

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАБИЙ ТОЛАЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ВАЛИЕВ ГУЛАМ НАБИДЖАНОВИЧ

**ТАБИЙ ИПАК ИПЛАРИНИ ҚАЙТА ЎРАШ ЎРАМАСИ
ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Contents of the Abstract of Doctoral Dissertation

Валиев Гулам Набиджанович

Табиий ипак ипларини қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг
назариясини ривожлантириш ва технологиясини такомиллаштириш..... 3

Валиев Гулам Набиджанович

Развитие теории и совершенствование технологии формирования
мотальной паковки нитей натурального шёлка..... 31

Valiev Gulam Nabidjanovich

Theory development and technology improvement of winding package formation
from natural silk..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 63

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАБИЙ ТОЛАЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ВАЛИЕВ ГУЛАМ НАБИДЖАНОВИЧ

**ТАБИЙ ИПАК ИПЛАРИНИ ҚАЙТА ЎРАШ ЎРАМАСИ
ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.DSc/T229 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz), Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институтининг веб-саҳифасида (www.uzttiti.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Алимова Халимахон Алимовна
техника фанлари доктори, профессор

Мардонов Ботир Мардонович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Ишматов Аскар Базарович
техника фанлари доктори, профессор
(Тожикистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «24» август соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона)

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (59- сон билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» __ кун тарқатилди.

(2019 йил «__» __даги 59- сонли реестр баённомаси).

Б.О.Онорбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д.

А.Э.Гуламов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор

Ш.Ш.Хакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ипак тўқималари ва маҳсулотларига талаб йилдан йилга ошиб бормоқда. Замонавий юқори унумдор тўқув дастгоҳларининг қўлланилиши танда ва арқоқ ипларининг тайёрланишида, уларнинг сифатига юқори талаблар қўяди, айниқса жуда ингичга ипак иплари қайта ишланганда. Шойи тўқиш корхоналарининг технологияси ва қайта ўраш жиҳозларини такомиллашмагани, ўрама сифати ёмонлигига, қимматбаҳо хомашё чиқиндиси чиқишининг кўпайишига ва маҳсулот таннархи ошишига сабаб бўлади. Бунда, кейинги тандалаш, арқоқ тайёрлаш ва тўқиш технологик жараёнларига таъсир этадиган, ипак ипларини калавадан қайта ўраш жараёни муҳим аҳамиятга эга. Ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида маълум ютуқларга эришган қатор хорижий мамлакатларда, жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Япония, Жанубий Кореяда, ипларни тўқишга тайёрлаш техника ва технологиясини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан, табиий ипак ипларини юқори сифатли қайта ўраш ўрамасини олишни ресурстежамкор техника ва технологияларини яратиш муҳим вазифалардан бири бўлади.

Жаҳонда ипларни тўқишга тайёрлаш техника, технологиясини ва уларнинг илмий асосларини яратишга йўналтирилган илмий ва амалий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан қайта ўраш ўрама босимини тақсимланишининг боғлиқлигини, унинг атроф бўйлаб тақсимланишини боғлиқларини олиш, ўраманинг янги параметрларини аниқлаш, машина механизмларининг конструкцияларини ва қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг модернизациялаштирилган технологиясини яратиш, улар асосида ўрама сифатини яхшилаш муҳим вазифалар қаторига киради.

Республикамизда табиий ипакни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, ички ва ташқи бозорда ипак газламалари рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»¹ вазифаси белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан ипакни қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг назариясини ривожлантириш, унинг асосида қайта ўраш машинасининг механизмларини такомиллаштириш, табиий ипак ипларини қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим ўрин тутди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон ««Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертациянинг тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Ипларни тўқишга тайёрлаш янги техника ва технологиясини яратиш ва такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Oxford (Англия), Technische universitat Dortmund (Германия), School of Materials Science and Engineering, Beihang University, South China Agriculture University (Хитой), National Silkworm Seed Organization, Central Silk Board, Central Sericultural Research & Training Institute (Хиндистон), Shinshu University, Institute for Fiber Engineering IFES (Япония), Korea International Cooperation Agency (Корея), Viet Nam Sericulture Research Centre (Вьетнам), Mongolian University of Science and Technology (Монголия), Россия давлат университети (Технологиялар. Дизайн. Санъат), Иваново давлат политехника университети (Россия).

Табиий ипакни қайта ишлаш, ипларни тўқишга тайёрлаш борасида жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: тандалаш жараёнини такомиллаштириш усуллари яратилган (Dortmund, Германия); ипакчиликни ривожлантириш, 3-D гофрланган тузилишдаги пишитилган ипак ипи олиш йўллари ишлаб чиқилган (Гуанчжоу, Хитой; Майсур, Бангалор, Хиндистон; Ханой, Вьетнам); толаларни сифати ва ипак ипларини нуқсонланиш механизмлари ўрганилган (Токио, Япония; Улан Батор, Монголия); аралаш калава иплари ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган (Сеул, Корея); махсус турдаги ипларни юмшоқ ўраш, парашют тўқимасини ишлаб чиқариш технологиялари яратилган (Россия давлат университети, Москва); тандалаш

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Yan, Z. Structural characterizations of three-dimensional crimped silk yarns [Text] / ZHANG Yan, CHEN Yuyue, LIN Hong // Thermal Science. - 2015, Vol. 19 Issue 4, P.1337-1340; Li, J. Comparative Transcriptome Analysis Reveals Different Silk Yields of Two Silkworm Strains [Text] / J. Li, Sh. Qin, H. Yu, J. Zhang, N. Liu, Y. Yu, Ch. Hou, M. Li // PLoS ONE. 5/9/2016. - Vol. 11 Issue 5, P.1-12; Ichmatov A.B Untersuchung der Empfindlichkeit von Fadenspannern beim Durchlauf von Knoten./ A.B. Ichmatov, L.Simon // Textiltechnik, 35, –DDR.–1995. –№ 9. –S. 482-488; Das, S. An Investigation on Yarn Imperfections of Indian Tasar Silk [Text] / S. Das, A. Ghosh // Journal of Natural Fibers. – 2008. - Vol. 5 Issue 4, P. 396-403. [www.http//vidy-tkaney.ru](http://vidy-tkaney.ru); [www.http//tipsboard.ru](http://tipsboard.ru); [www.http//indiada.ru](http://indiada.ru); [www.http//silkcat.ru](http://silkcat.ru); Optim-consult.com/analytics ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

галтакларини ўраш параметрларининг мониторинги асосида уларнинг партиясини шакллантиришни янги усуллари яратилган (Иваново давлат политехника университети, Россия).

Дунёда ипакчилик саноати техника ва технологияларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: юқори сифатли хом ипак ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, толаларни хусусиятларини яхшилаш ва уларни модификациялаш, тўқимачилик толалари нанотехнологияси, ипларни тўқишга тайёрлаш, пишитилган иплар ва буюмлар, табиий ипак ва бошқа толалар билан аралаш тўқималар ишлаб чиқариш техника ва технологиясини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда жаҳон тўқимачилик фанида табиий ипакни қайта ишлаш, янги технологиялар яратишда, тўқимачилик иплари ва тўқималари хусусиятларини тадқиқ қилиш, қайта ўраш ўрамаси шаклланиш жараёнини такомиллаштириш масалалари бўйича бир қатор олимлар: Wegener F.T., Schubert G., Nogueira G.M., Rodas A.C., Wang Shi., Yan Z., Yu Yue CH., Hong L., Li J., Qin Sh., Das S., Ghosh A., Anghileri A., Freddi G., Abbasi A.R., Morsali A. ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар.

Қайта ўраш ўрамаси шаклланиш технологиясини ва илмий асосларини ривожлантириш, ипларнинг таранглигини тадқиқ қилиш, ипларни қайта ўраш жараёнини, табиий ипакни қайта ишлашни тадқиқ қилиш ва ривожлантириш бўйича: А.П.Минаков, В.А.Гордеев, Е.Д.Ефремов, В.А.Усенко, А.Ф.Прошков, С.Д.Николаев, С.С.Юхин, П.Н.Рудовский, Х.А.Алимова, Э.Ш.Алимбаев, М.М.Мухамедов, Э.Б.Рубинов, А.Д.Даминов, С.А.Хамраева, А.Б.Ишматов каби олимлар тадқиқотлар олиб борганлар ҳамда бу соҳа илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшганлар.

Лекин, ҳозиргача маълум бўлган изланишларда табиий ипакнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда прецизион ўраш машиналарида ипак ипларини қайта ишлаш ва уларнинг механизмларини такомиллаштириш, иплар ўрамаларини босими масалалари, уларни атроф бўйлаб тақсимланиши, ўрамада иплар ўрами барқарорлиги ва турғунлиги каби масалалар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот лойиҳалари режаларининг А-6-185 «Ипакни бўяшга ва тўқишга тайёрлашда юқори самарали ресурстежамкор ўрама нуқсонларини камайтириш технологиясини ва илмий асосларини яратиш» (2006-2008), А-3-009 «Табиий ипак ипларини қайта ишлаш учун модернизациялаштирилган юқори унумдорли ресурстежамкор бобина ўраш машинасини ишлаб чиқиш» (2012-2014) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг назариясини ривожлантириш ва технологиясини такомиллаштириш асосида табиий ипак ипларининг ўрама сифатини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

одатий ва мураккаб шаклдаги қайта ўраш ўрамалари учун параллел ва крест ўрамининг босими унинг ўқи бўйлаб тақсимланишининг умумлаштирилган аналитик боғлиқлигини олиш;

ҳар-хил шаклдаги ўрамалар учун крест ўрамини нормал босими атроф бўйлаб тақсимланишининг математик моделини олиш;

қайта ўраш ўрамасининг янги ўрам параметрларини ва уларни аниқлашнинг назарий боғлиқликларини ишлаб чиқиш, прецизион қайта ўраш машинаси ўрам қатламининг шаклланиш параметрларини ва тузилишини ўзига хослигини аниқлаш;

ўрам параметрларининг олинган назарий боғлиқликлари асосида лойиҳаланаётган қайта ўраш машинасининг ўрам тузилиши параметрларини ва сифатини прогнозлаш;

прецизион қайта ўраш машиналарида калаваларни чувишда ва конус симон ўрама шаклланишида ип таранглигини тебраниши ва ўрам турғунлигини тадқиқ қилиш, ўраманинг ўқи бўйлаб уларнинг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш;

қайта ўраш машинасининг такомиллаштирилган механизмлар тузилишларини яратиш асосида қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг технологиясини такомиллаштириш;

табиий ипак калаваларини чувишда ип таранглигини текислаш йўллари излаш, параллел ва прецизион крест ўрам машиналарида қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг такомиллаштирилган технологияларини яратиш;

мавжуд ва такомиллаштирилган технологияларда қайта ўраш ўрамаси шаклланиш динамикасида ипак иплари ўрама турғунлигини асослаш;

ип таранглигининг кўп омилли математик моделини олиш ва унинг асосида прецизион қайта ўраш машинасида қайта ўраш ўрамасининг турғун ўрамини олиш мақбул технологик параметрларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг техника ва технологияси олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ўрам параметрлари, қайта ўраш ўрамаси шаклланиш жараёнининг технологик параметрлари билан ип таранглиги ва ўрам босими боғлиқлик қонуниятлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик таҳлил, назарий механика, ҳисобий усуллар, тажриба анализи ва математик статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

параллел ва прецизион крест ўрам машиналарида қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг такомиллаштирилган технологиялари яратилган;

одатий ва мураккаб шаклдаги қайта ўраш ўрамалари учун параллел ва крест ўрамини унинг асосига бўлган босими ўрама ўқи бўйлаб тақсимланишининг умумлаштирилган аналитик боғлиқлиги олинган;

ўрам чўлғами кўтарилиш бурчагини ўрама шаклининг хилма-хиллиги бўйича ўртача қийматининг ва унинг атроф бўйлаб тақсимланишининг назарий боғлиқликлари олинган;

хар-хил шаклдаги уч конусли ўрамалар учун крест ўрамини босими атроф бўйлаб тақсимланиш қонунияти олинган;

ўрамни янги тузилиш элементи – тузилиш қатлами ва унинг параметрлари таклиф этилган ва назарий асосланган, ўрама тобора шаклланишида унинг силжиш бурчаги, у шаклланиш давридаги ёйиш цикллари сони ва ундаги элементар қатламлар сони бир хилда қолиши, ўрама юзаси бўйлаб унинг силжиши, ўрам чўлғамларининг ўзаро кесишиши билан ҳосил бўладиган уячалар ўлчамлари ва ўрам қатламининг ғовақдорлиги ошиши аниқланган;

назарий тадқиқотлар асосида, ўрам турғунлигини ошишини ва чўлғамлар ва ўрам қатламлари силжиш бурчаги катта бўлган, ўрам қатлами силжиши катта бўлган ўрама шаклланишини таъминлайдиган, табиий ипак учун мақбул бўлган, урчуқдан эксцентриккача бўлган узатма нисбати аниқланган;

чувилаётган ипнинг таранглигини самарали текисланишини, мавжуд жараёнга хос бўлган, ипнинг салқи бўлиб осилиши ва тарангликни пульсли тебранишини бартараф этилишини таъминлайдиган, оддий тузилишдаги ўзи марказланувчи калавачўп яратилган;

ип таранглигини компенсатори бўлган такомиллаштирилган прецизион қайта ўраш машинаси, қайта ўраш чаноғининг такомиллаштирилган конструкцияси, қайта ўраш тезлигини бир хилдалигини сақлаш ва параллел ўрам машинасининг ип ёювчи механизмлари яратилган;

қайта ўраш ўрамаси шаклланиш динамикасида ипак иплари ўрамининг турғунлиги пастлиги ва қатламлари сиқиб чиқарилиши ҳамда такомиллаштирилган технологияда гардишсиз ўрамада ипак иплари ўрамининг турғунлиги юқорилиги асосланган;

прецизион қайта ўраш машиналарида табиий ипак иплари қайта ўраш ўрамасининг турғун ўрамини олиш мақбул технологик параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

параллел ва прецизион крест ўрам машиналарининг Ўзбекистон Республикаси патентлари билан ҳимояланган янги механизмлари яратилган;

параллел ўрам машиналарида табиий ипак иплари қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг такомиллаштирилган технологияси яратилган;

прецизион машиналарида қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг такомиллаштирилган технологияси ва мақбул параметрлари яратилган;

табиий ипак учун янги лойиҳаланаётган прецизион қайта ўраш машиналарига, урчуқдан эксцентриккача бўлган узатма нисбати $i = 0,315$ бўлган, ёйиш механизмини мақбул варианты яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тажриба материалларининг статистикаси, назарий ва амалий тадқиқотларнинг натижаларини солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг мос келиши, математик-статистик қайта ишловлар 95% ишончлилик даражаси билан амалга оширилганлиги, тажрибалар хатолиги 5% дан ортмаганлиги, тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти одатий ва мураккаб шаклдаги қайта ўраш ўрамалари учун параллел ва крест ўрамининг босими унинг ўқи бўйлаб тақсимланишининг умумлаштирилган аналитик боғлиқлиги олинганлиги, ҳар-хил шаклдаги ўрамаларни ўрам чўлғамини кўтарилиш бурчагини ўртача қийматини ва уни атроф бўйлаб тақсимланишининг назарий боғлиқликлари, ҳар-хил шаклдаги уч конусли ўрамалар учун крест ўрама босимини атроф бўйлаб тақсимланишининг математик модели, ўрамни янги тузилиш элементи – тузилиш қатлами ва унинг параметрлари таклиф этилганлиги ва уларни назарий боғлиқликлари олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мақбул параметрлар ишлаб чиқилганлиги, параллел ва прецизион крест ўрам машиналарида қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг технологиялари, қайта ўраш машиналари механизмларини такомиллаштирилганлиги, табиий ипак учун янги лойиҳаланаётган прецизион қайта ўраш машиналарига ёйиш механизмининг мақбул варианты яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Табиий ипак ипларини қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг назариясини ривожлантириш ва технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

урчқудан эксцентриккача бўлган узатма нисбати катталаштирилган қайта ўраш чаноғи тузилишига Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Бобинага ўраш машинасининг чаноғи», №ІАР04805 - 2014 й.). Натижада турғунлик поғонасини ва ўрам турғунлигини ошириш имкони яратилган;

қайта ўраш чаноғи юритмасини техник имкониятларини кенгайтирадиган қайта ўраш тезлигини бир хилдалигини сақлаш механизми тузилишига Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Қайта ўраш чаноғи юритмаси», №ІАР04592-2012 й.). Натижада ўрама шаклланиб боришида қайта ўраш тезлигининг ўзгариш қонуниятларини ростлаш имкони яратилган;

ип таранглигини компенсатори бўлган такомиллаштирилган прецизион қайта ўраш машинасининг тузилишига Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Калава ипларни бобинага қайта ўраш машинаси», №ІАР04375-2011й.). Натижада ип таранглигини текислаш, ўрам турғунлигини ошириш ва ўрама шаклланиш жараёни динамикасида унинг барқарорлигини таъминлаш имкони яратилган;

янги тузилишдаги ўзи марказланувчи калава чўп «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси тасарруфидаги корхоналарда, хусусан «Bukhara Brilliant Silk» МЧЖ қўшма корхонасида жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2019 йил 23 апрелдаги № 4-3/746-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг жорий этилиши орқали ипнинг салқи бўлиб осилиши ва тарангликни пульсли тебраниши бартараф этилиши таъминланган, шаклланаётган ўрама сифати яхшиланган;

параллел ўрам машиналарида қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг такомиллаштирилган технологияси «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси тасарруфидаги корхоналарда, хусусан «Маргилаан Силк - ВАЦ» ва «Ёдгорлик» МЧЖларда жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2019 йил 23 апрелдаги № 4-3/746-сон маълумотномаси). Натижада юқори сифатли хом ипак иплари ўрамалари олинган, тандалашда иплар узилиши 26 % камайган, хомашё чиқиндиси икки баробардан ортиқроқ қисқарган;

мақбул параметрлар ва прецизион крест ўрам машиналарида қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг такомиллаштирилган технологияси «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси тасарруфидаги корхоналарда, хусусан «Шарк ипаги дурдонаси» МЧЖ ва «НУРЛИ ТОНГ СИЛК» МЧЖда жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2019 йил 23 апрелдаги № 4-3/746-сон маълумотномаси). Натижада юқори сифатли қайнатилган ипак иплари ўрамалари олинган, хомашё чиқиндиси қисқарган, унумдорлик ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17 та халқаро ва 12 та республика миқёсидаги илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 57 та илмий ишлар, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий журналларда 22 та мақола чоп этилган, шу жумлада 2 та чет эл журналларида, ва 5 та (3 та ихтиро, 2 та фойдали моделларга) Ўзбекистон Республикаси патентлари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хулоса, 194 та номлари келтирилган фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 21 та иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади, 20 та жадвал ва 78 расмлар мавжуд.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишни апробацияси, чоп этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Табиий ипак ипларини қайта ўраш ўрамаси шаклланиш технологиясининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида табиий ипак ипларини қайта ўраш ўрамаси шаклланиш технологиясининг замонавий ҳолати бўйича таҳлили келтирилган. Табиий ипак ипларини қайта ўраш ўрамаси шаклланиш технологияси, қайта ўраш ўрами тузилишини ва турғунлигини тадқиқоти, қайта ўраш машиналарида ипларни қайта ишлаш, қайта ўраш машиналари механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлар таҳлили бажарилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар манбаалари таҳлили асосида қуйидагилар аниқланди:

табиий ипакни қайта ишлашда калава тўқимачилик хомашёсининг асосий ўрама турларидан бири бўлади, у қайта ишлаш шароитларига, чиқиш ўрамаси шаклланиш техника ва технологиясига ўзининг хос жиҳатларини ўтказди;

мавжуд қайта ўраш ўрамаси шаклланиш назарияси ва прецизион қайта ўраш машиналари тузилишида табиий ипак ипларини қайта ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари эътиборга олинмаган, ип таранглигини текислаш, иплар ўрамининг босими, уларнинг атроф бўйлаб тақсимланиши, ўрамада иплар ўрамининг барқарорлиги ва турғунлиги, табиий ипак ипларини прецизион қайта ўраш машиналарида қайта ишлаганда қайта ўраш ўрамаси шаклланиш жараёнини технологик параметрларини оптималлаштириш масалалари етарлича ўрганилмаган, машинанинг алоҳида механизм ва жамламаларининг тузилишлари такомиллашмаган, бу кўрсаткичлар машинанинг унумдорлиги пасайишига олиб келмоқда ва ўрами юқори сифатли бўлган тўқимачилик ўрамаларини олишга имкон бермаяпти. Ҳар хил нуқсонликдаги ўрамаларни қайта ишлаш ва уларнинг сифати пастлиги оқибатида хомашё чиқиндисини ортиб бормоқда ва корхоналар катта зиён кўрмоқда;

тўқимачилик ўрамалари шаклланиши, қайта ўраш жараёнида ип ҳаракати ва таранглиги назариялари табиий ипак ипларини қайта ўраш ўрамаси шаклланиш жараёнини тадқиқ қилишда асос бўлиши мумкин. Шаклланаётган ўраманинг тузилиши ва сифатига қайта ўралаётган ипнинг таранглиги ва унинг нотекислиги катта таъсир кўрсатади;

қайта ўраш ўрамаси шаклланиш жараёнининг назарий тадқиқотлари, унинг янги параметрлари ва уларни назарий боғлиқликларини ишлаб чиқиш, олинган янги назарий ечимларни ва табиий ипакни қайта ишлашни ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда прецизион қайта ўраш машина механизмларини такомиллаштириш асосида табиий ипак ипларини қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг назариясини ривожлантириш ва технологиясини такомиллаштириш мумкин.

Диссертациянинг «**Қайта ўраш ўрамаси шаклланиш назариясининг айрим масалаларини тадқиқ қилиш ва ривожлантириш**» деб номланган иккинчи бобида параллел ва крест ўрами босимини унинг ўқи бўйлаб тақсимланишини, мураккаб шаклдаги қайта ўраш ўрамаларида ўрам босими тақсимланишининг аналитик тадқиқотлари, ўрама чеккасини қиялик


бурчагига нисбатан ўрам чўлғамини кўтарилиш бурчагининг назарий тадқиқоти бажарилган.

Ўрамни нормал босими ўрама ўқи бўйлаб тақсимланиши тадқиқ қилинди. Ўрам босими x бўйича функция деб олинди, бунда ўрама юзаси $f_1(x)$ функцияси билан берилган, ўрам юзаси $f_2(x)$ функцияси билан берилган (1-расм).


Профессор В.А.Гордеев услуби бўйича, ип таранглигига тўғри муносиб ва ўрам радиусига тескари муносиб бўлган, якка чўлғамнинг босими аниқланди. Биз томондан ажратиб олинган Δx ўрам бўлагиди (1-расм) ΔR қалинликдаги катта бўлмаган ўрам қатлами ажратиб олинди (2-расм). Бу қатламнинг ўртача радиусини R_1 га тенг деб қабул қилдик.

Δx ўрам бўлаги оралиғини жуда кичик деб фараз қилиб ва бу катта бўлмаган ўрам қатлами шу бўлак кесимида цилиндрик шаклини қабул қилади деб, ўрам қатлами босимини аниқладик:

$$\Delta q = \frac{1000 F_{\Delta x} \gamma_{\Delta x} \cdot \Delta R}{TR_1}; \quad (1)$$



1-расм.- Ўраш юзасидаги ўрамнинг схемаси (Умумий ҳолат)



2-расм.- Ўрамни якка чўлғам босимининг схемаси

Ўрамни ҳамма қатламларида ип чўлғамларининг таранглиги бир хилда сақланади деб ва ўрам нисбий зичлигини ҳамма қатламларда бир хилда деб қабул қилиб, бутун қалинликдаги Δx ўрам бўлагининг йиғинди босими аниқланди ва кейинчалик, қуйи чегараси ўрама ўқи x га нисбатан ўрама юзаси функцияси билан берилган, юқори чегараси – ўрамага босим ўтказаётган, ўрама ўқи x га нисбатан ўрам юзаси функцияси билан берилган, мураккаб интеграл билан ифодаланган, ўрамни унинг асосига бўлган босимини ўрама ўқи бўйлаб тақсимланишининг умумлаштирилган аналитик боғлиқлиги ва унинг ечими олинди:

$$q_x = \frac{1000 \cdot F_x \cdot \gamma_x \cdot \ell_n \frac{f_2(x)}{f_1(x)}}{T}; \quad (2)$$


бунда F_x - x нуктадаги ипни таранглиги, γ_x - x нуктадаги ўрамни зичлиги, T - ипнинг чизиқий зичлиги, тексда.

Шундай қилиб, ип ўрамини унинг асосига бўлган x нуқтадаги нисбий босими, қабул қилинган шароитларда, шу нуқтадаги ўрамага ўралган ипнинг таранглигига, шу нуқтадаги ўрам зичлигига, ўрам юзаси функциясини x нуқтадаги қийматининг ўрама юзаси функциясини шу нуқтадаги қийматига бўлган нисбатини натурал логарифмига тўғри мутаносиб, ва ипнинг чизиқий зичлигига тескари мутаносиб.

Крест ўрам босимини ўрама ўқи бўйлаб тақсимланиши тадқиқ қилиб (3-расм), юқоридаги каби, крест ўрамни унинг асосига бўлган босимини ўрама ўқи бўйлаб тақсимланишини умумлаштирилган аналитик боғлиқлиги олинди:

$$q_x = \frac{1000 \cdot F_x \cdot \gamma_x \cdot \cos^3 \alpha_x}{T} \ln \frac{f_2(x)}{f_1(x)} \quad (3)$$

бунда α - ўрам чўлғамининг кўтарилиш бурчаги.



3-расм. Крест ўрамни якка чўлғам босимининг схемаси

Мураккаб шаклдаги ўрамларда ўрам юзасини, айрим ҳолларда эса ўрама юзасини ҳам, мувофиқ битта $f_2(x)$ ва $f_1(x)$ функцияси билан ифодалаб бўлмайди, шунинг учун ўрамни, уни ташкил қиладиган m ўрам шакли қисмларига бўлдиқ ва (3) боғланиш ўзгартирилиб, қисмларга мувофиқ, қуйи чегараси ўрама ўқи x га нисбатан ўрама юзасини мос қисми $f_{1m}(x)$ функцияси билан берилган, юқори чегараси – ўрамага босим ўтказаетган, ўрама ўқи x га нисбатан ўрам юзасини мос қисми $f_{2m}(x)$ функцияси билан берилган, мураккаб интеграл билан ифодаланган, ўрам босимини боғлиқлиги ва унинг ечими олинди:

$$q_{xm} = \frac{1000 \cdot F_{xm} \cdot \gamma_{xm} \cdot \cos^3 \alpha_{xm}}{T} \ln \frac{f_{2m}(x)}{f_{1m}(x)} \quad (4)$$

Ўрама тузилишини тадқиқ қилишда ўрам чўлғамини кўтарилиш бурчагини унинг шаклига боғлиқлигини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Ўрам чўлғами кўтарилиш бурчагини ўрама шаклининг хилма-хиллиги бўйича маълум бир нуқтадаги ўртача қийматини боғлиқлиги олинди:


$$\alpha = \operatorname{arctg} \frac{[2H_0 - (d_n - d_0)(\operatorname{tg} \beta + \operatorname{tg} \varphi)]i}{\pi d_n} \quad (5)$$

Аниқландики, прецизион қайта ўраш машиналарида ўрама шаклланиб боришида ўрам чўлғамининг кўтарилиш бурчаги қисқаради, шунингдек, ўрама чеккасини қиялик бурчаги қанча катта бўлса, чўлғамни кўтарилиш бурчаги шунча кичик бўлади.

Диссертациянинг «Қайта ўраш ўрамасини айрим параметрларини атроф бўйлаб тақсимланишининг математик моделларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида қайта ўраш ўрамасини айрим параметрларини атроф бўйлаб тақсимланишининг тадқиқотлари келтирилган.

Қайта ўраш ўрамасининг ўрам чўлғами кўтарилиш бурчагини атроф бўйлаб тақсимланишининг, ўрама шаклланиб боришида крест ўрамни маълум бир ташқи қатламнинг унинг асосига бўлган босимини атроф бўйлаб тақсимланишини, ўрама шаклланиб боришида крест ўрамни унинг асосига бўлган босимини тақсимланишини, крест ўрам босимини атроф бўйлаб тақсимланишини назарий тадқиқотлари бажарилган.

Ўрам параметрларини, уларни атроф бўйлаб тақсимланишини аниқлаш учун ўрамнинг ўқи, радиуси ва диаметри (айланаси) бўйлаб йўналишида ифодалаш керак. Ўрамнинг диаметри (айланаси) бўйлаб йўналишида ҳар бир муайян ўрам диаметри учун ўрам параметрлари бир хилда қолади деб қабул қилиб, ўрам параметрларини атроф бўйлаб тақсимланишини ўрамни ўқи ва радиал йўналиши бўйлаб боғлиқликда ифодаладик. Ўрамни бир хил қалинликдаги қатламларга бўлдик, ўрамни ҳар бир қатламини эса ўрам асосининг бўйига бир ҳил бўлган, бир қанча секторларга бўлдик (4-расм).



4-расм. Ўрам қатламидаги секторлар тоқ сон миқдорида бўлганида икки қатламлаб ўраш схемаси

Ўрам чўлғами кўтарилиш бурчагини ўрама шаклининг хилма-хиллиги бўйича ўртача қийматининг атроф бўйлаб тақсимланиш боғлиқлиги олинди:

$$\alpha_{w(j)} = \arctg \frac{[H_0 - (j - 0,5)\Delta r_n (tg \beta + tg \varphi)]i}{\pi [0,5d_0 + (j - 0,5)\Delta r_n + (W - \bar{W})tg \xi [H_0 - (j - 0,5)\Delta r_n (tg \beta + tg \varphi)]/W_{\max}} \quad (6)$$

БП-260-НШО прецизион қайта ўраш машинаси мисолида масалани ҳисобий ечимлари бажарилди. Ечим натижалари - α ўрам чўлғами кўтарилиш бурчагини ўртача қийматининг атроф бўйлаб тақсимланиши, 1- жадвалда келтирилган, бунда вариант 1 - $i = 0,169$, $\beta = 37^\circ$, $\varphi = 40^\circ$, $\xi = 3,5^\circ$, $d_0 = 56$, $H_0 = 150$, $\Delta r_n = 5$; вариант 2 - $i = 0,169$, $\beta = 52^\circ$, $\varphi = 56^\circ$, $\xi = 3,5^\circ$, $d_0 = 56$, $H_0 = 150$, $\Delta r_n = 5$; вариант 3 - $i = 0,247$, $\beta = 37^\circ$, $\varphi = 40^\circ$, $\xi = 3,5^\circ$, $d_0 = 56$, $H_0 = 150$, $\Delta r_n = 5$.

Ўрам чўлғами кўтарилиш бурчагини ўртача қийматининг атроф бўйлаб тақсимланишининг (1-жадвал) таҳлили кўрсатдики, ўрамни пастки (биринчи) қатламида ўрам чўлғамини кўтарилиш бурчаги тобора унинг катта чеккасига яқинлашганда ҳар сафар таҳминан 1,25 баробарга, ўрамни устки (еттинчи) қатламида $\beta = 37^\circ$, $\varphi = 40^\circ$ бўлганида 1,09 баробарга ва $\beta = 52^\circ$, $\varphi = 56^\circ$ бўлганида 1,05 баробарга қисқарди. Биринчи секторда (ўрамнинг кичик чеккаси ёнида), ўрам чўлғамини кўтарилиш бурчаги ўрама шаклланиб боришида $\beta = 37^\circ$, $\varphi = 40^\circ$ бўлганида 3,13 ва 3,05 баробарга ва $\beta = 52^\circ$, $\varphi = 56^\circ$ бўлганида 5,07 баробарга, бешинчи секторда (ўрамнинг катта чеккаси ёнида) - $\beta = 37^\circ$, $\varphi = 40^\circ$ бўлганида 2,71 ва 2,66 баробарга ва $\beta = 52^\circ$, $\varphi = 56^\circ$ бўлганида 4,27 баробарга қисқарди. Урчукдан ёювчи механизмнинг эксцентрикигача бўлган узатма нисбати ошгани сайин, ўрам чўлғамини кўтарилиш бурчаги ошади, унинг солиштирмалари эса аҳамиятли ўзгармайди.

1- жадвал

Ўрам чўлғами кўтарилиш бурчагини тақсимланиши

Қатлам №	Вариант 1					Вариант 2					Вариант 3				
	Сектор №					Сектор №					Сектор №				
	1	2	3	4	5	1	2	3	4	5	1	2	3	4	5
7	5,20	5,09	4,99	4,90	4,80	3,14	3,10	3,06	3,03	2,99	7,57	7,42	7,28	7,14	7,00
6	6,16	6,02	5,88	5,74	5,62	4,24	4,17	4,10	4,04	3,98	8,97	8,76	8,56	8,36	8,18
5	7,34	7,13	6,93	6,75	6,57	5,58	5,46	5,35	5,24	5,13	10,66	10,36	10,08	9,81	9,56
4	8,79	8,49	8,22	7,96	7,72	7,25	7,04	6,85	6,67	6,50	12,73	12,31	11,92	11,55	11,20
3	10,62	10,20	9,80	9,44	9,10	9,36	9,03	8,72	8,43	8,16	15,33	14,73	14,17	13,66	13,18
2	13,02	12,39	11,82	11,29	10,81	12,14	11,59	11,08	10,62	10,20	18,67	17,80	17,00	16,27	15,60
1	16,26	15,30	14,44	13,67	12,98	15,91	14,99	14,16	13,42	12,76	23,09	21,79	20,63	19,57	18,62

Конуссимон юзага ўраганда ва уч конусли бобина шаклланганида, ўрама шаклланиб боришида кўтарилиш бурчагининг ўрам қатламидаги нотекислиги камаяди, ўрама чеккасини қиялик бурчаги қанча катта бўлса, ўрам чўлғамини кўтарилиш бурчагини нотекислиги шунча катта бўлади.

Ўраманинг кичик чеккаси тарафида, катта чеккаси тарафига нисбатан, ўрам чўлғамини кўтарилиш бурчагининг нотекислиги катта, ўрама шаклланиб боришида ўрам чўлғамини кўтарилиш бурчаги, ўраманинг катта чеккаси тарафига нисбатан, жадал кичиклашади, шунингдек, ўрама чеккасини қиялик бурчаги қанча катта бўлса, ўрам чўлғамини кўтарилиш бурчагини нотекислиги шунча катта бўлади.

Ўрама шаклланиб боришида крест ўрамни маълум бир ташқи қатламининг унинг асосига бўлган босимини атроф бўйлаб тақсимланишининг математик модели олинди:

$$q_{w(j)} = \frac{1000 \cdot F_{w(j)} \cdot \gamma_{w(j)} \cdot \cos^3 \alpha_{w(j)}}{T} \cdot \ln \frac{0,5d_0 + j\Delta r_n + (W - \bar{W}) \overline{tg \xi} \cdot [H_0 - (j-1)\Delta r_n (tg \beta + tg \varphi)] / W_{\max}}{0,5d_0 + (j-1)\Delta r_n + (W - \bar{W}) \overline{tg \xi} \cdot [H_0 - (j-1)\Delta r_n (tg \beta + tg \varphi)] / W_{\max}} \quad (7)$$


Ҳисобий ечимлар бажарилди, унинг натижалари диаграммалар кўринишида 5 – 8-расмларда келтирилган, бунда қайнатилган ипак ипининг чизиқий зичлиги 3,23 текс х3 (ҳисобий 7,12 текс), ўрам зичлиги 0,65 г/см³, ўрам чўлғамини кўтарилиш бурчагини (9) формула бўйича ҳисобладик, узатма нисбати $i = 0,169$.

Ўрама шаклланиб боришида ип таранглиги 20 дан 38 сН гача (1,9 баробарга) ошганида крест ўрамни маълум бир ташқи қатламининг унинг асосига бўлган босимини атроф бўйлаб тақсимланиши 9- расмда келтирилган.


Масаланинг ҳисобий ечимини таҳлили шуни кўрсатдики, прецизион қайта ўраш машиналарида ўрама шаклланиб боришида крест ўрамни маълум бир ташқи қатламининг унинг асосига бўлган босими, ип таранглиги бир хилда бўлганида, камаяди, ўраманинг кичик чеккаси тарафида, катта чеккаси тарафига нисбатан жадал камаяди, бунда ўрама шаклланиб боришида ўрама ўқи бўйлаб босим нотекислиги камаяди (5- расм). Ўрама шаклланиб боришида таранглик камайганида, босим камайиш даражаси ошади, бунда таранглик камайиши қанча кўп бўлса, босим камайиш даражаси шунча юқори бўлади.

Ўрама шаклланиб боришида ип таранглиги ошганида ўрам босими ўзгаришида қизиқарли ҳолатлар намоён бўлди (6 – 8, 9- расм). Ип таранглиги ортиш даражаси кам бўлганида (тахминан 1,5 баробарга) ўрама шаклланиб боришида крест ўрамни маълум бир ташқи қатламининг унинг асосига бўлган босими камаяди (6-расм), ип таранглиги ортиш даражаси ўртача бўлганида (тахминан 1,8 – 1,9 баробарга) ўрам босими характери ўзгарувчан


бўлади, бир хил секторларда босим камаяди, бошқаларда эса – ортади (7-, 9- расм), ип таранглиги ортиш даражаси юқори бўлганида (2 баробардан ортиқ) ўрам босими ортиши аниқланди (8- расм).




5-расм. Ип таранглиги бир хил – 10 сН бўлганида ўрамни ташқи қатламнинг босими



6-расм. Ип таранглиги 15 дан 21 сН гача (1,4 баробарга) ошганида ўрамни ташқи қатламнинг босими



7-расм. Ип таранглиги 15 дан 27 сН гача (1,8 баробарга) ошганида ўрамни ташқи қатламнинг босими



8-расм. Ип таранглиги 15 дан 33 сН гача (2,2 баробарга) ошганида ўрамни ташқи қатламнинг босими


Крест ўрамни унинг асосига бўлган нормал босими тобора унинг қалинлиги ортганда ва ўрама шаклланишида тақсимланишининг математик модели олинди:

$$q_{w(j)} = \frac{1000 \cdot F_{w(j)} \cdot \gamma_{w(j)} \cdot \cos^3 \alpha_{w(j)}}{T} \cdot \ln \frac{0,5d_0 + j\Delta r_n + (W - \bar{W}) \operatorname{tg} \xi \cdot [H_0 - (j-1)\Delta r_n (\operatorname{tg} \beta + \operatorname{tg} \varphi)] / W_{\max}}{0,5d_0 + (W - \bar{W}) \operatorname{tg} \xi \cdot H_0 / W_{\max}} \quad (8)$$

Ҳисобий ечимлар бажарилди, натижалари диаграммалар кўринишида 10- расмда келтирилган.

Аниқландики, прецизион қайта ўраш машиналарида крест ўрамни унинг асосига бўлган нормал босими тобора унинг қалинлиги ортганда ва ўрама шаклланишида ортади, бунда ўраманинг кичик чеккаси тарафида, катта чеккаси тарафига нисбатан жадалроқ, ўрам қалинлиги ортган сайин ўрама ўқи бўйлаб босим нотекислиги ортади.

Ўрама шаклланиб боришида ип таранглиги камайганида, босим ортиш даражаси камаяди, бунда таранглик камайиши қанча кўп бўлса, босим камайиш даражаси шунча юқори бўлади.





9-расм. Ип таранглиги 20 дан 38 сН гача (1,9 баробарга) ошганида ўрамни ташқи қатлами босимининг атроф бўйлаб тақсимланиши

Крест ўрамни унинг асосига бўлган нормал босимини атроф бўйлаб тақсимланишининг математик модели олинди:

$$q_{w(j)} = \frac{1000 \cdot F_{w(j)} \cdot \gamma_{w(j)} \cdot \cos^3 \alpha_{w(j)}}{T} \cdot \ln \frac{0,5d_0 + j_{\max} \Delta r_n + (W - \bar{W}) \operatorname{tg} \xi \cdot [H_0 - (j_{\max} - 1)\Delta r_n (\operatorname{tg} \beta + \operatorname{tg} \varphi)] / W_{\max}}{0,5d_0 + (j-1)\Delta r_n + (W - \bar{W}) \operatorname{tg} \xi \cdot [H_0 - (j-1)\Delta r_n (\operatorname{tg} \beta + \operatorname{tg} \varphi)] / W_{\max}} \quad (9)$$


Ҳисобий ечимлар бажарилди, натижалари диаграммалар кўринишида 11- расмда келтирилган.



10-расм. Ип таранглиги бир ҳил – 15 сН бўлганида ўрам қалинлиги ошганидаги босими

11-расм. Ип таранглиги бир ҳил – 15 сН бўлганида ўрамнинг асосига бўлган босими

Ўрама шаклланиб боришида ип таранглиги 20 дан 38 сН гача (1,9 баробарга) ошганида крест ўрамни унинг асосига бўлган нормал босимини атроф бўйлаб тақсимланиши 12- расмда келтирилган.



12-расм. Ип таранглиги 20 дан 38 сН гача (1,9 баробарга) ошганида ўрамни асосига бўлган босимнинг атроф бўйлаб тақсимланиши

Олинган натижалар таҳлили кўрсатадики, прецизион қайта ўраш машиналарида асос радиуси ортгани сайин крест ўрамни унинг асосига бўлган нормал босими камаяди, бунда, ўрамнинг кичик чеккаси тарафида,

катта чеккаси тарафига нисбатан, жадалроқ, шунингдек асос радиуси ортгани сайин ўрама ўқи бўйлаб босим нотекислиги камаяди.

Диссертациянинг «Қайта ўраш ўрамасининг янги ўрам параметрларини ва уларни аниқлашни назарий боғлиқликларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи боби қайта ўраш ўрамасининг янги ўрам параметрларини ва уларни аниқлашни назарий боғлиқликларини ишлаб чиқиш, янги олинган назарий боғлиқликлар асосида прецизион қайта ўраш машинаси ўрам қатламининг шаклланиш параметрларини ва тузилишини ўзига хослигини, прецизион қайта ўраш машинасини ҳар ҳил шаклдаги ўрам тузилиши ва параметрларини тадқиқ қилиш, қайта ўраш ўрамаси ўрам қатламининг шаклланиш параметрларини ва тузилишини тадқиқ қилиш ва прогнозлашга бағишланган.

Маълум бўлган ўрама параметрлари асосан ўрамда ип чўлғамининг жойлашиши, ўрамни элементар қатламида уларнинг ўзаро жойлашуви ва элементар қатламларни ўрам тузилишида жойлашишини кўрсатади.

Ўрамни янги тузилиш элементи – тузилиш қатлами ва ўрам қатламининг янги параметрлари таклиф этилган: ўрамни тузилиш қатламининг силжиши ва силжиш бурчаги. Тузилиш қатлами деб, ўрама чеккасининг маълум бир тарафидаги ип шакллаган чўлғам чизигининг бурилиш нуқтаси ўрама чеккаси доираси бўйлаб бир марта айланган даврда ҳосил бўлган ўрам қатлами қабул қилинди.

Ўрамни тузилиш қатлами параметрларининг назарий боғлиқликлари олинди. Битта тузилиш қатлами шаклланиш давридаги $K_{\text{ц}}$ ёйиш цикллари сони:

а) агарда чўлғамнинг силжиш бурчаги $\psi \leq \pi$ бўлса, унда

$$K_{\text{ц}} = \frac{1}{\left[\frac{1}{i} - \left(\frac{1}{i} \right)' \right]} ; \quad (10)$$

бунда i - ёювчи механизмнинг урчукдан эксцентрикгача бўлган узатма нисбати;

$$\left(\frac{1}{i} \right)' - \frac{1}{i} \text{ соннинг бутун қисми.}$$

б) агарда чўлғамнинг силжиш бурчаги $\psi > \pi$ бўлса, унда

$$K_{\text{ц}} = \frac{1}{1 - \left[\frac{1}{i} - \left(\frac{1}{i} \right)' \right]} . \quad (11)$$

Ўрамни тузилиш қатламининг силжиш бурчаги $\psi_{\text{с}}$:

$$\psi_{\text{с}} = \psi_{\text{м}} (K_{\text{ц}} - K_{\text{ц}}'), \quad (12)$$

шунингдек:

$$\psi_c = 2\pi - K'_c \psi_m . \quad (13)$$

Ўрам чўлғамларининг ўзаро кесишиши билан ҳосил бўладиган уячалар ўлчамлари ва ўрам қатламининг ғовақдорлиги боғлиқ бўлган, ўрама юзаси бўйлаб тузилиш қатламининг аввалги қатламга нисбатан силжиши ℓ_c :

$$\ell_c = r_n \psi_c = \frac{d_n}{2} \psi_c . \quad (14)$$

БП-260-НШО бобинага қайта ўраш машинасининг ўрам тузилиши (13-, 14-расм) тузилиш қатламидаги бирин кетин келаётган чўлғамлар оралиғининг масофаси катта эмаслиги ва бутун ўрамнинг бўлаклари шаклланиш даврида тўрлар узок вақтда ҳосил бўлиши билан характерланади.

Кам турғунликдаги ип чўлғамларининг ўрама юзасидаги яқин жойлашуви, уларни, қуйида жойлашган чўлғамлар билан боғланишини етарли даражада таъминламайди. Минимал, деярли нол тарангликдаги ип чўлғамларининг тўрлари узок вақтда ҳосил бўлиши, қатламларнинг тез ва ишончли боғланишини, ўрам турғунлигини буткул таъминламайди.

Лойихаланаётган қайта ўраш машинасининг ўрам тузилиши, ёйиш механизмининг узатма нисбати $i = 0,315$ бўлганида, чўлғамлар орлиғининг масофаси катталиги, бутун ўрамнинг бўлаклари шаклланиш даврида тўрлар тез ҳосил бўлиши ва чўлғамларнинг ва бутун ўрамнинг буткул юқори турғунлиги билан характерланади (15-, 16- расм).


Бевосита бирин кетин келаётган ип чўлғамларининг ўрама юзасидаги бир биридан узок жойлашуви, ўрамага навбатдаги чўлғам ўралганида, қуйида жойлашган чўлғамлар билан боғланишини ишончли таъминлайди. Ип чўлғамларининг тўрлари тез ҳосил бўлиши, қатламларнинг тез боғланишини ва тўлиқ ўрам турғунлигини ортишини таъминлайди.

Диссертациянинг «**Табиий ипак ипларини қайта ўраш ўрамаси шаклланиш технологиясини тадқиқ қилиш ва такомиллаштириш**» деб номланган бешинчи бобида мавжуд табиий ипак ипларини қайта ўраш ўрамаси шаклланиш технологиясини таҳлил ва тадқиқоти, мавжуд технологияда қайта ўраш ўрамаси шаклланиш динамикасида ипак иплари ўрами турғунлигини асослаш, табиий ипак ипларини калавадан чувишда ип таранглигини текислаш йўллари излаш, параллел ўрам машиналарида табиий ипак иплари қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг такомиллаштирилган технологиясини яратиш бўйича тадқиқотлар келтирилган.


БП-260-НШО машинасида 3,23 текс х 2 қайнатилган ипак ипларини калавалардан учконусли бобиналарга қайта ўраш мавжуд технологиясининг шароитлари тадқиқ қилинди. Аниқландики, 25 % дан ортиқ бобиналарда ҳар хил ўрам нуксонлари мавжуд бўлиб, кейинги технологик жараёнларда уларни қайта ишлашни қийинлаштиради (17-расм).

Тасодифий функциялар назарияси апаратини қўллаб ип таранглигини тебраниши тадқиқ қилинди. Тарангликда ҳам тасодифий, ҳам даврий


тебранишлар мавжудлиги аниқланди. Ҳар хил турдаги қайта ўраш машиналарда калавалар чувишда ип таранглигининг тебраниш қонуниятлари аниқланди.




13-расм. БП-260-НШО бобинага қайта ўраш машинасининг ўрама чеккасида ўрам чўлғамларининг бурилиш нуқталари




14-расм. БП-260-НШО бобинага қайта ўраш машинасини ўрама юзасининг ёйилиши




15-расм. Ёйиш механизмининг узатма нисбати $i = 0,315$ бўлганида прецизион қайта ўраш машинасининг ўрама чеккасида ўрам чўлғамларининг бурилиш нуқталари



16-расм. Ёйиш механизмининг узатма нисбати $i = 0,315$ бўлганида прецизион қайта ўраш машинасини ўрама юзасининг ёйилиши



17-расм. БП-260-НШО прецизион қайта ўраш машинасида ҳосил бўладиган ўрам нуқсонларининг фотосурати




18-расм. Ип ёювчининг циклида ўрам бўйи бўйича ип таранглигининг тақсимланиши

Аниқландики, қатлам ўралишида ип таранглиги кескин тебранувчан характерга эга (18-расм) ва бунда унинг ўртача қиймати 0,28 сН дан 33,66 сН гача ўзгаради. Ип ўраманинг кичик тарафига ўралганида, ўраманинг ярмидан кўп ораликда унинг таранглиги минимал бўлиб нолга интилади, катта тарафига ўралганида – ипнинг таранглиги 120 баробардан ортиқ ошади ва максимал қийматга етади.

Ўрам турғунлиги ўрама бўйи бўйлаб бир хилда эмас, бунда ўраманинг кичик тарафида у минимал, ва тобора катта тарафига яқинлашганда, турғунлик ошади. Мавжуд технологияда, қайта ўраш ўрамаси шаклланиш динамикасида ипак иплари ўраманинг турғунлиги пастлиги ва ўрам қатламлари сиқиб чиқарилиши асосланган.

Ўзбекистон Республикаси патентлари билан ҳимояланган янги механизмлар яратилган: «Калавачўп» (ЎзР патенти № FAP 00895); Ипсимон ашёни ёювчи механизм» (ЎзР патенти № FAP 00242).

Ип таранглигини текислаш йўллари топилди (19- расм) ва параллел ўрам машиналарида, ўзи марказланувчи калавачўп ва ип ёювчи механизмни қўллаб, табиий ипак иплари қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг такомиллаштирилган технологияси яратилди, бунда ўрам сифати яхшиланади, тандалаш жараёнидан нуқсонли ўрамалар қайтиши икки баробардан ортиқ қисқарди, «ўрам чеккасида иплар чигаллашиши» нуқсон бўйича ўрамалар қайтиши бартараф этилди, хомашё чиқиндиси камайди.



19-расм. Параллел ўрам машинасида калаваларни чувшида ип таранглиги осциллограммалари ва ўрам сифати


Диссертациянинг «**Прецизион қайта ўраш машиналарида табиий ипак иплари қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг такомиллаштирилган технологиясини яратиш**» деб номланган олтинчи бобида прецизион қайта ўраш машиналарида табиий ипак иплари қайта ўраш ўрами турғунлигини ошириш бўйича техник ечимлар ишлаб чиқиш, қайта ўраш тезлигини бир хилдалигини сақлаш механизми тузилиши, прецизион қайта ўраш машиналарида табиий ипак иплари қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг такомиллаштирилган технологияси, такомиллаштирилган технологияда қайта ўраш ўрамаси шаклланиш динамикасида ипак иплари ўрамини турғунлигини асослаш, такомиллаштирилган прецизион қайта ўраш машинасида қайта ўраш ўрамасининг турғун ўрамини олиш мақбул технологик параметрларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар, ишнинг техник-иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Бобинага қайта ўраш чаноғининг кинематик кўрсаткичлари ва прецизион қайта ўраш машинасининг ўрам тузилишини қайта ўраш ўрамаси ўрам турғунлигига таъсири тадқиқ этилди, уни оширишнинг айрим йўллари аниқланди, ўрам турғунлигини ошириш бўйича техник ечимлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси патентлари билан ҳимояланган янги механизмлар яратилди: «Бобинага ўраш машинасининг чаноғи» (ЎзР патенти № IAP 04805); «Қайта ўраш чаноғи юритмаси» (ЎзР патенти № IAP 04592); «Қалава ипларни бобинага қайта ўраш машинаси» (ЎзР патенти № IAP 04375).

Ип таранглигини текислаш йўллари топилди (20- расм) ва прецизион қайта ўраш машиналарида табиий ипак иплари қайта ўраш ўрамаси шаклланишининг такомиллаштирилган технологияси ва мақбул параметрлари ишлаб чиқилди, бунда ип таранглиги кескин текисланди, мавжуд жараёнга хос бўлган тарангликнинг пульсли тебранишлари ва нолик

фазалари баргараф этилди, ўрамнинг чекка нуқталарида таранглик стабиллашди, ўрамнинг турғунлиги ва барқарорлиги ошди, ва ўрам сифати юқори бўлган ўрама олиш учун маъкул шароитлар яратилди.



20-расм. Калаваларни чувишда ип таранглиги осциллограммалари ва ўрам сифати: а – мавжуд технология; б – такомиллаштирилган технология

Олинган назарий ҳолатлар ва ўрам босими атроф бўйлаб тақсимланишининг математик моделлари асосида, такомиллаштирилган технологияда гардишсиз ўрамада ипнинг қатлами ўрамини турғунлиги юқорилиги асосланди.

